

## КЎЧИРМА

24 август 2023 йил.  
**Қатнашдилар:** 95 Кенгаш аъзоси.  
**Қатнашмадилар:** 10 Кенгаш аъзоси.

### КУН ТАРТИБИ:

**14. ЎзДЖТУ талабалар турар жойларидан ва чет эллик мутахассислар учун ётоқхоналардан фойдаланиш тартибига ўзгартириш киритилиши тўғрисида.**

**Эшиятилди:** Мазкур масала бўйича молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, доц. С.О.Абдуллаевнинг ахбороти: Университетда 6 та талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, жами 2500 нафар талабага мўлжалланган. Ҳозирги кунда барча ётоқхоналар жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Мавжуд электр, сантехника жиҳозлари ҳолати текширувдан ўтказилиб, таъмирланди, яроқсиз қисмлари янгиланди. Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Барча яшаш ва дам олиш хоналарига гилам тўшалди. Талабалар яшashi учун барча шароитлар яратилди.

Талабалар турар жойи биноларини, улардаги мавжуд электр, сантехника жиҳозларини техник соз ҳолатда ишлаб туришини таъминлаш учун эҳтиёт қисмлари ҳамда кир ювиш ва тозалаш воситалари, хўжалик моллари билан таъминлаш учун маълум миқдорда маблағ талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, коммунал тўловларнинг йил мобайнида ошиб боришини ҳисобга олиб, талабалар турар жойида яшаш учун тўлов миқдори (бир талаба учун 1 ойга) **250 000 (икки юз эллик минг) сўм** этиб белгиланади.

Университетда чет эллик мутахассислар учун ётоқхона мавжуд бўлиб, жами 21 нафар чет эллик мутахассисга мўлжалланган ва 1 кишилик, 2 кишилик, 3 кишилик хоналардан иборат (шулардан: 1 кишилик хона – 10 та, 2 кишилик – 4 ва 3 кишилик – 1 та).

Ҳозирги кунда мазкур ётоқхона тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилган. Ётоқхонадаги мавжуд электр, сантехника жиҳозлари тўлиқ техник соз ҳолатда. Чет эллик мутахассисларни ётоқхонада яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Хоналарда ётоқ учун, дарс қилиш учун, ошхона учун мўлжалланган мебеллар ҳамда интернет, wi-fi, кондиционер, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси билан жиҳозланган. Турли хил тадбирлар ўтказиш учун конференция хонаси ҳам мавжуд.

Ётоқхонани, улардаги мавжуд электр, сантехника жиҳозларини техник соз ҳолатда ишлаб туришини таъминлаш учун эҳтиёт қисмлари ҳамда кир ювиш ва тозалаш воситалари, хўжалик моллари билан таъминлаш учун маълум миқдорда маблағ талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ва коммунал тўловларнинг йил мобайнида ошиб боришини ҳисобга олиб, чет эллик мутахассислар учун

мўлжалланган ётоқхонадаги 1 кишилик хонанинг нархи кунига – **60 минг сўм**, 2 кишилик хонанинг кунлик нархи – **80 минг сўм** ва 3 кишилик хонанинг кунлик нархи – **100 минг сўм** этиб белгилаш кўзда тутилган.

**Х.Алимова, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи:** Университетнинг талабалар турар жойларида чет эллик талабалар учун ҳам ётоқхоналар ажратилган, таъмирланиб, фойдаланишга топширилган. Уларга яшаш учун шароит яратиб бериш муҳим. Ҳозирда хорижий талабаларга жой ажратилган. 2023-2024 ўқув йили учун яшашлари учун тўлов миқдори (бир талаба учун 1 ойга) **250 000 (икки юз эллик минг) сўм** тўлаш белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бошқа чет эл давлатларидан келган хорижий талабалар ётоқхонадан фойдаланиши учун юқорида белгилangan тартибда тўловларни амалга ошириши керак.

Кенгаш йигилиши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2023 йил 4 сентябрдан ЎзДЖТУ талабалар турар жойида яшаш учун тўлов миқдори (бир талаба учун 1 ойга) **250 000 (икки юз эллик минг) сўм** тўлаш белгилансин.

2. Белгилаб кўйилсинки, меҳрибонлик уйларидан келган давлат қарамоғидаги талабалар, чин етим ва I-,II-гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар 2023-2024 ўқув йилида талабалар турар жойи учун белгилangan тўловдан озод этилсин.

3. Чет эллик мутахассислар учун мўлжалланган ётоқхонадаги 1 кишилик хонанинг нархи кунига – **60 (олтмиш) минг сўм**, 2 кишилик хонанинг кунлик нархи – **80 (саксон) минг сўм** ва 3 кишилик хонанинг кунлик нархи – **100 (юз) минг сўм** этиб белгилансин.

4. Университетда таҳсил олаётган хорижий талабалар 2023-2024 ўқув йилига яшашлари учун ётоқхона нархи **250 000 (икки юз эллик минг) сўм** этиб белгилансин.

**5. Мазкур қарор ижроси назорати молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор С.О.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.**

Кенгаш раиси

Кенгаш котиби



Б.Кулматов

du

Л.Абидова